

**ИНСОН, УНИНГ ҚАДР-ҚИММАТИ – ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ ОЛИЙ
ҚАДРИЯТИ****Абдуғаниева Гулноза Абдурахим қизи***НамДПИ Фалсафий ва тарихий фанлар кафедраси ўқитувчиси***Махаматжонова Дилшода Ахмаджон қизи***1-босқич талабаси*

“Инсон қадри биз учун қандайдир мавҳум, баландпарвоз тушунча эмас.”

Шавкат Мирзиёев

Бугун юртимизда олиб борилаётган жадал ислоҳотлар кўлами, шиддати ҳамда кенг қамрови билан дунё нигоҳини диёримизга қаратмоқда. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳақида сўз кетганда жаҳон ҳамжамияти томонидан юртимизга нисбатан “Янги Ўзбекистон” деган иборанинг тилга олинаётгани, албатта, мамлакатимиздаги ўзгаришларга берилаётган муносиб баҳодир. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Янги Ўзбекистон – бу “Халқ манфаати ҳамма нарсадан улуғ” деган эзгу ғоя амалий ишлар билан ўз тасдиғини топаётган замондир”¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида: “Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Рес-публикасининг фуқаролари ташкил этади”², – дейилади. Яна шунингдек, 13-моддада, демократик цивилизация талаби ўлароқ. “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”³ деб тан олинади. Конституция ва унинг асосида қабул қилинган барча қонунларда инсонларнинг демократик ҳуқуқ ҳамда эркинликлари юридик жиҳатдан ҳимоя қилинади. Албатта, юртимиздаги кенг кўламли ислоҳотлар ва янгиланишлар мазкур инсонпарвар ғоя асосида амалга оширилмоқда. Бугун Янги Ўзбекистон жаҳон майдонида кучли салоҳият, муносиб обрў эътиборга эга бўлган, ҳар томонлама обод ва фаровон мамлакат сифатида эътироф этилиб, унинг ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ нуфузи тобора ортиб бормоқда. Ҳар бир инсон бахтли ҳаёт кечириши учун мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар юртдошларимизнинг қалбини қувонтирмоқда. Бугун юртимизда инсон қадри, эркинлиги, бахт-саодати, тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, инсонийликнинг барча тамойилларини юзага чиқариш учун керакли шарт-шароитлар яратилган. Бу эса “Давлат – инсон учун” тамойилининг амалдаги ифодасидир. Зеро, инсон ва унинг бахт-саодатига, халқ манфаатларига хизмат

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: “O‘zbekiston”, 2021. – 27-б.

² <https://lex.uz/docs/6445145>.

³ <https://lex.uz/docs/6445145>.

қилиш инсонпарварликнинг асосий мезони саналади. Мамлакатимизда “Инсон қадрини учун” деган эзгу тамойилни тўла рўёбга чиқариш, Конституция ва қонун устуворлигини, ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини таъминлаш амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳиятини ташкил этади ва давлатимиз сиёсатида муҳим аҳамиятга эга.

Мана шундай ислохотларни келгуси беш йилликда ҳам давом эттириш, уларнинг узвийлигини таъминлаш мақсадида “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди. Унда юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари энг олий қадрият сифатида белгиланди. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мамлакатимиз миллий ривожланишининг янги босқичини бошлаб бермоқда. Мазкур босқичда давлатимиз ўз фаолиятини “инсон – жамият – давлат” деган устувор тамойил асосида ташкил этади. Бу эса инсон манфаати, унинг қадр-қиммати мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади эканидан далолат беради. Айтиш ўринлики, сўнгги беш йилда мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича мақсадли ва тизимли ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, ижтимоий ҳимоя ва доимий ёрдамга муҳтож шахслар билан ишлашнинг “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Маҳаллабай” ва “хонадонбай” каби янгича механизмлари жорий этилди. Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва диний эркинлик соҳасидаги ислохотлари дунё миқёсида юксак эътирофга сазовор бўлмоқда. Айниқса, мамлакатимизда кейинги йилларда қабул қилинган Президент фармонлари асосида 5 мингдан зиёд шахс жазони ўташ жойларидан озод этилди. Шу билан бирга, жиноий қилмишидан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига ўтган маҳкумларни афв этиш ва уларни эркин ҳаётга қайтариш борасида ҳам улкан ишлар бажарилмоқда. Хусусан, жиноят йўлига адашиб кириб, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган фуқароларни Ёшлар иттифоқи, маҳаллалар ва хотин-қизлар кўмиталарининг калфиллиги билан жазодан озод этиш тартиби йўлга қўйилди. Бу борадаги ишларнинг давоми сифатида 2019 йилда Жаслик кўрғонидаги жазони ижро этиш колониясининг ёпилгани давлатимиз инсонпарвар сиёсатининг амалий намунаси сифатида жаҳон миқёсида эътироф этилди. Шунингдек, озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсия ва ижтимоий суғурта тўлаш тартиби амалиётга кириштирилиб, манзил-колонияларда жазони ўтаётган пенсия ёшидаги маҳкумларга пенсия пуллари тўлаб берилиши жорий этилди. Хориждаги можароли ҳудудлардан, уруш ўчоқларидан мамлакатимиз фуқароларини юртимизга қайтариб олиб келиш бўйича “Меҳр” операциялари ўтказилганини ҳам таъкидлаш жоиз. Жумладан, 2019 йилда “Меҳр-1” ва “Меҳр-2” инсонпарварлик тадбирлари муваффақиятли амалга оширилиб, Яқин Шарқдаги қуролли можаролар майдонидан фуқароларимиз, асосан аёллар ва болалар юртимизга қайтариб олиб келинди. 2020 йилнинг

декабрь ойида ўтказилган “Меҳр-3” тадбири орқали Суриядан 25 нафар аёл ва 73 нафар бола юртимизга қайтарилди. 2021 йилда амалга оширилган “Меҳр-4” операцияси орқали 24 нафар фуқаро Афғонистондан Ўзбекистонга қайтарилган бўлса, “Меҳр-5” операцияси натижасида Суриядаги уруш кетаётган “қайноқ нуқталарга” бориб қолиб, “Ал-Ҳол” лагеридан 3 йилдан ортиқ вақт давомида ушлаб турилган 24 нафар аёл ва 69 нафар бола Ўзбекистонга олиб келинди. “Меҳр” инсонпарварлик тадбирлари доирасида жами 531 нафар фуқароларимиз Ватанимизга қайтариб олиб келиниб, уларга зарур бўлган тиббий ва моддий ёрдам кўрсатилди. Мамлакатимизда сўнгги йилларда суд-тергов соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар халқи 1 мизнинг ҳуқуқ-манфаатларини таъминлаш йўлида ўзининг ижобий самарасини намоён этмоқда. 2021 йилда 4 мингдан ортиқ шахс суд залидан озод қилиниб, 8 мингга яқин фуқарога нисбатан асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилгани, 859 нафар шахс оқлангани ҳам бу борадаги ислохотлар самарасидир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 мартдаги “Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармони билан 140 нафар шахс, 2021 йил 7 декабрдаги фармони асосида яна 182 нафар шахс муддатидан олдин озодликка чиқарилди. Бу эса Янги Ўзбекистоннинг халқимизга хос кечиримлилиқ, бағрикенглик ва олижаноблик фазилатларига асосланган инсонпарвар сиёсатидан далолат беради. Шу билан бирга, собиқ маҳкумлар томонидан молиявий муҳтожлик туфайли такроран жиноят содир этилишининг олдини олиш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш мақсадида “дастлабки ёрдам пакети” тизими жорий этилиб, аниқ тадбиркорлик лойиҳасини тақдим этган, мустақил фаолиятини бошламоқчи бўлган собиқ маҳкумларга Пробация хизматини ривожлантириш жамғармасидан 10 миллион сўмгача бир марталик моддий ёрдам берилиши йўлга қўйилди. Давлатимизнинг инсонпарвар сиёсати мамлакатимизда узоқ йиллардан бери истиқомат қилишига қарамай фуқаролик мақомига эга бўла олмаётган кишиларга Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги берилаётганида ҳам яққол намоён бўлмоқда. 1991 йилдан 2016 йилнинг декабрь ойигача атиги 482 кишига Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги берилган бўлса, 2016 йилнинг декабридан 2021 йилгача бўлган муддатда 18 минг нафардан ортиқ шахсга мамлакатимиз фуқаролиги берилди. 1995 йилнинг 1 январига қадар Ўзбекистонда яшаб келган 50 минг нафар фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинди. Мамлакатимизда бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар БМТнинг жаҳон давлатларига қаратилган фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга доир чақириғига муносиб жавоб бўлди. Амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ислохотлар халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини ва эътирофини қозонмоқда. Хусусан, 2021 йилда “Medium” халқаро интернет нашрида “Ўзбекистоннинг

Учинчи Ренессанс пойдеворига инсонпарварлик ва илм-фан асос бўлади” мавзусида мақола эълон қилиниб, унда сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар дунё сиёсатида янги тўлқин ҳосил қилаётгани бир қатор хорижий экспертлар томонидан таъкидланган. Мақолада АҚШлик олим Эфроим Гурманнинг, “Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарлари орасида биринчилардан бўлиб, ўз сиёсатида халқини келажакда эмас, бугундан бошлаб яхши яшаши керак деган ғояни илгари сурди”, деган фикрлари келтирилган⁴.

Жамият тараққиётида, инсонларнинг ҳаётида, ижтимоий-сиёсий ривожланишда эркинлик, тенглик, биродарлик каби қадриятлар катта аҳамият касб этади. Инсонийликни қадрловчи ижтимоий-сиёсий қадриятлар ичида эса истиқлол туфайли қўлга киритилган барқарорлик, тинчлик, инсонпарварлик, тотувлик каби буюк қадриятларнинг ўрни бениҳоят катта.

Инсонлар ҳаёти турли-туман одамларнинг ўзаро ижтимоий муносабатлари мажмуидир. Инсон борки, ҳаёт мавжуд, жамият борки, инсон камол топиб, яшаб, ўсиб-улғайиб келмоқда. Демак, “Инсон жамиятнинг гултожи”, инсон жамиятнинг муқаддас кучидир. Унинг куч-қудрати бу дунёда энг олий вужуд, энг олий мавжудот эканлигидадир.

Шарқнинг улуғ қомусий олими, буюк файласуф Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида инсонга нисбатан шундай баҳо берилади: “Жамиятни ташкил этувчи инсонлар қанчалик фозил, ахлоқли бўлсалар, қанчалик имон-эътиқодлари мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунча мустаҳкам бўлади, бошқариш осонлашади, ҳокимият тепасига тасодифий одамлар чиқмайди”⁵.

Юксак маъно-мазмунларга бой рубойлари билан башарият аҳлини лол қолдирган, буюк тафаккур эгаси, Умар Ҳайём шундай сатрларни битган эди:

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз.

Ақл кўзин қароси-жавҳари ҳам биз.

Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,

Шаксиз унинг кўзи-гавҳари ҳам биз.

Ҳазрати инсоннинг улуғлигини мадҳ этувчи жумлаларни мутафаккир шоирларимиздан Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Бедил ва бошқа алломаларнинг асарларида ҳам бот-бот учратиш мумкин.

Инсон доимо, ҳар бир соҳада тарихнинг тараққиёт босқичлари-да бош қаҳрамон, жамиятнинг олий қадрияти бўлиб келган. Чунки жамиятнинг ижтимоий тараққиёти, ҳаётнинг барқарорлиги, гўзал-лиги инсоннинг ижодий меҳнат фаолияти, ахлоқи, маданияти, хатти-ҳаракати билан чамбарчас боғлиқ.

⁴ Қаранг: Хорижий нашр: Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанс пойдеворига инсонпарварлик ва илм-фан асос бўлади // <http://uza.uz/posts/285799>; Meagan J. Meehan. Uzbekistan's Third Renaissance Roots Basis in Humanity, Science, and Education // <https://medium.com/@artsycr8tor/uzbekistans-third-renaissance-roots-basis-in-humanity-science-and-education-6df9af78c2fe>.

⁵ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.-Т.: Адабиёт ва санъат, 1993, 138-бет.

Жамиятнинг демократлашуви, турмушимизнинг фаровонлиги, кўп жиҳатдан кишиларнинг юксак маънавиятига ҳамда уларнинг умуминсоний қадриятларга содиқликларига боғлиқ.

Демократик жамият туб маънодаги умуминсоний қадриятларга асосланган фуқаролик жамиятидир.

Бундай жамиятда инсон қонун-да белгиланган ҳуқуқ ва имкониятларидан бемолол фойдалана ола-ди ва ўз ҳаётини яхшилаш, талаб-эҳтиёжларини қондириш учун фаолият кўрсатади.

Ўз камолоти, фарзандлари камолоти учун нимаики зарур бўлса, қила олиш ҳуқуқига мушарраф бўлади.

Инсоннинг улуғлиги ахлоқий сифатлар, инсонпарварлик, Ватан ва халққа садоқат, меҳнатга ҳамда атрофидаги кишиларга нисбатан муносабат, ақл-заковат ва фаҳм-фаросат билан ўлчанади.

Ҳа, инсон буюк мавжудот!... У ҳар қанча мақтовларга лойиқ. Файласуф шоир Мирзо Бедил инсонни ирқий, миллий, диний эъти-қодларидан қатъий назар ҳурмат ва эҳтиромга сазовор зот деб ҳи-соблайди ва бу ҳақда шундай дейди: “Ҳар кимки, ҳазрати инсонни саждага сазовор демаса, у малъундир”. Ушбу фикрнинг ҳар қандай давр учун адолатли, ардоқли бўлиб қолишига ҳеч қандай шубҳа бўлмаса керак.

Мустақил Ўзбекистон фуқароларининг, хусусан, ёшларнинг руҳиятида инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш ҳамда улар-ни ривожлантириш, демократик адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим кафолати ҳисобланади.

Шундай экан, улар-нинг онгига инсонпарварлик ва инсонни улуғлаш каби муқаддас туйғуларни сингдириш, амалга оширадиган маърифий ишимизнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоғи лозим.

Чунки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг бош мақсади ҳам инсон манфаатларига қаратилган. Мамлакатимизда халқимизнинг фаровон турмуш кечириши, уларнинг орзу-истакларини амалга ошиши учун шарт-шароитлар яратиш каби вазифалар ҳар доим долзарб бўлиб келган.

Қадриятлар ичида энг биринчи ва энг асосийси ҳаётнинг ўзидир, чунки ҳаётдан маҳрум бўлиш қолган барча қадриятлардан маҳрум бўлиш демакдир.

Демак, инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланар экан, инсон йўқ жойда бирон-бир нарсанинг кадр-қиммати ҳақида гапи-риш ноўриндир.

Шунинг учун ҳам, инсонни эъзозлаш, унинг иззат-икромини жойига қўйиш, давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимизнинг инсонпарвар сиёсати моҳиятида аввало халқни, одамларни рози қилиш мақсади мужассам.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек: “Инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган бундай ислохотларимиз буюк Алишер Навоий

болбозимизнинг битта кўнгли ўксик одамни хурсанд қилиш – Каъбани обод этиш билан баробар, деган теран маъноли сўзларига, меҳр-оқибат, саҳоват ва олижаноблик каби фазилатларни доимо қадрлаб, улуғлаб яшайдиган халқимизнинг орзу-интилишларига ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳангдир”⁶.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси эса инсонпарвар ислохотларнинг давомийлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т.: “O‘zbekiston”, 2021. – 27-б.
2. <https://lex.uz/docs/6445145>.
3. <https://lex.uz/docs/6445145>.
4. Қаранг: Хорижий нашр: Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанс пойдеворига инсонпарварлик ва илм-фан асос бўлади // <http://uza.uz/posts/285799>; Meagan J. Meehan. Uzbekistan’s Third Renaissance Roots Basis in Humanity, Science, and Education // <https://medium.com/@artsycr8tor/uzbekistans-third-renaissance-roots-basis-in-humanity-science-and-education-6df9af78c2fe>.
5. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.-Т.: Адабиёт ва санъат, 1993, 138-бет.
6. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда // <https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda>.

⁶ Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда // <https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-demokratik-ozgarishlar-keng-imkoniyatlar-va-amaliy-ishlar-mamlakatiga-aylanmoqda>.